

**ХИТОЙ ТИЛИДАН ЎЗЛАШГАН БАЪЗИ ОВҚАТ НОМЛАРИНИНГ
СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**
(манти, лағмон, манпар сўзлари мисолида)

*M. Комилова
ФарДУ таянч докторанти*

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек тилига хитой тилидан ўтган манти, лағмон, манпар каби овқат номларининг семантик хусусиятлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, ушбу таом номлари тилимизга ўзлашиши натижасида турли сўз бирикмалари, ибора ва сўз қўшилмаларини ҳосил қилгани ёритилади. Қизиги шундаки, тилимизга ўзлашган манти, лағмон ва манпар каби таом сўзлари қисман фонетик хусусиятларини ўзгартирибгина қолмай, балки ўзига хос семантик ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлган.

Калит сўзлар: *ўзлашган сўзлар семантикаси, ўзлашган сўзларда маъно торайшиши ва маъно кенгайиши ҳодисаси, манти, лағмон, манпар, қулогига лағмон илмоқ (осмоқ).*

Қадимдан дунёда мавжуд барча тиллар ўзаро муносабатларга киришиб, шаклланган. Ҳеч бир тил бошқа тиллардан мутлақ ажralган ҳолда ривожлана олмайди. Шу сабабли ҳар қандай тилнинг лугат таркибида шу тил билан ўзаро алоқада бўлган бошқа тилларнинг элементлари мавжуд. Халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар негизида тиллараро сўз алмаштириш ёки ўзаро сўз ўзлаштириш ҳодисаси содир бўлади. Чунки мавжуд ўзаро муносабатлар натижасида олинган моддий ашёлар, шунингдек, маънавий, маданий ва маърифий тушунчалар билан бирга уларни ифодаловчи лексемалар ҳам ўзлашиб боради.

Маълумки, Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги маданий алоқалар қадим даврларга бориб тақалади. Буюк ипак йўлининг вужудга келиши эса нафақат иқтисодий ва сиёсий, балки маданий ривожланишнинг ҳам янги босқичини бошлаб берган. Бу эса ўз навбатида тил тарихида ҳам ўз аксини

топган. Яъни тиллараро сўз алмашинувини юзага келтирган. Ўзбек тилшунослигида ўзлашма сўзларнинг грамматик хусусиятлари турли аспектларда ўрганилган. Улар орасида ўзбек тилига хитой тилидан ўзлашган сўзларнинг лингвистик жараёнларини очиб беришга қаратилган тадқиқотлар жуда оздир [Бу ҳақда батафсил қаранг. Комилова, 2022: 372-376].

“Ўзбекистон – Хитой муносабатлари тарихидан” асарида Буюк Ипак йўли орқали Туркистондан Хитойга олиб кетилган ўсимлик ва таомларнинг бир қанчаси санаб ўтилган. “Масалан, мош (绿豆 xudou), седана (芝麻 xumo), шолғом (萝卜 xuluobu), ошқовоқ (南瓜 xuguo), кашнич (卡什尼奇 xusuy), бодом (杏仁 xutou) каби ўсимликлар шулар жумласидандир. Одатда Туркистон халқини хитойлар “xi” деб умумлаштириб атаганлиги туфайли улар ушбу минтақадан олиб келинган ўсимликлар номи олдига ана шу сўзни қўшганлар [Ходжаев, Каримова ва бошқ., 2022: 26].

А.Мадвалиев таҳрири остидаги изоҳли луғатда 17 та сўз хитой тилига мансуб деб берилган. Шулардан 5 таси озиқ-овқат номлари дир [Ўзбек тилининг изоҳли луғати II, IV томлар, 2008: 80, 493, 503, 539, 581].

Биз мазкур мақолада ўзбек тилига хитой тилидан ўзлашган *манти*, *лағмон* ва *манпар* каби таом номларининг баъзи лексик ва семантик хусусиятлари ҳақида сўз юритамиз.

Манти – хит. мяң-хамир + ти – гўшт; гўшт ва пиёз қиймасини хамирга тугиб, қасқонда пишириладиган овқат.

包子是一种古老的面食,起源于三国。相传三国时期,诸葛亮觉得战士们吃馒头没有营养,便将牛肉和猪肉混合在一起,剁成肉泥,和入面里蒸熟,让士兵们食用,后来人们把这种馒头里边装上肉馅的食物称为包子。

Манти сўзи хитой тилидан кириб келган бўлса-да, Хитойда гўшт ва пиёз қиймасини хамирга тугиб, қасқонда пишириладиган овқат аслида 包子 baozi, парда пиширилган ичи бўш нонлар – mantou деб номланади. Мантининг келиб чиқиши Хитойдаги Уч қироллик даврига бориб тақалади. Афсоналарга кўра, қирол Zhuge Liang буғда пиширилган нонлар аскарлар

учун тўйимли эмаслигини билган ва шунинг у нон ичига мол ёки чўчқа гўшти қиймасини аралаштириб таом тайёрлашни буюрган. Бу таом эса хитойликлар орасида包子 baozi номини олган.

Бизнингча, манти сўзининг ҳозирги кўринишли таом номи сифатида тилимизда ўзлашиши унинг буғда пиширилиши билан боғлиқ ҳолда юз берган бўлиши мумкин.

7 томлик “Туркий тиллар этимологик луғати”да (“Этимологический словарь тюркских языков”) манти сўзи хитой тилидан келиб чиққан ва аввало уйғур диалектларига ўзлашган деб берилган. Бу сўзининг тарқалиш майдони тор, яъни Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё ва Кичик Осиё худудидаги тилларда учрайди холос, дейилади мазкур луғатда [Левитская: 32-33].

Манти сўзи таом номи сифатида ўзбек тилида ўзлашгач, турли сўз бирикмалари ҳосил қилди. Улар мазкур таомнинг хиллари билан боғлиқ ҳолда *гўшти манти, кўк манти, қовоқ манти, картошкали манти* кабилардир. Манти таомининг тайёрланиши жараёни билан боғлиқ ҳолда ҳам яна бир қанча янги тушунча, сўз ва сўз бирикмалари ҳосил бўлган. Масалан, *манти пиишириш, манти тайёрлаш, манти тугиши, мантиқасқон, мантиқасқонни ёглаш, тугилган мантиларни қасқонга териши* каби.

Қизиги шундаки, тилимизда манти сўзи ёнида аниқловчиларисиз, яъни унинг таркибидаги асосий масаллик маълум қилинмаган ҳолларда ушбу таомнинг асосан гўшти тури тушунилади. Бу ҳодисани мазкур таомнинг дастлаб гўшти туригина тайёрлангани, кейинчалик эса хиллари қўпайгани билан боғлаш мумкин. “Мехробдан чаён” романидаги қуйидаги парчага диққат қилинг:

“... Шунинг учун Нигор ойим бу жўмардлик ҳақини эрига бералмади:

— Гўштни кўброк олибсизми... Анвар буюрганми? — деб сўради.

Йўқ,— деди маҳдум салласини қозиққа ила-ила,— бир манти қиласлиқ,— дедим,— манти еганимизга кўб бўлди, валлоҳи аълам ...”
[Қодирий, 1994: 382]

Романдан келтирилган мазкур парчада ҳам ўша кезларда мантининг асосан гўштли тури тайёрлангани, шунинг учун гўштнинг кўпроқ олиб келиниши манти пишириб ейиш истаги билан бевосита боғланиб, ифода этилганини кўриш мумкин.

Манпар (хитойча *mian*—面, *pian* - 片) — хамир таом тури. Бу сўз изоҳли луғатда берилмаган бўлса-да, 1994 йилда чоп этилган “Ўзбек адабий тили тарихидан” китобида “Манпар – хамирни тасмага ўхшатиб кесилиб, сўнг узиб шўрвасига солиб тайёрланадиган хамир овкат тури” деб таърифлаган холда хитой тилидан ўзлашган сўзлар қаторига киритилган [А. Алиев, Қ.Содиков, 1994, 31б].

Шу билан бирга Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ҳам ушбу сўзнинг келиб чиқиши хитойчадан деб берилган ва тайёрланиш усули таърифланган.

“Манпар (хитойча мяң — хамир, пар — парча) — хамир таом тури. Тузли сувга тухум солиб, қаттиқроқ қилиб хамир қорилади. Сочикқа ўраб тиндирилади. Тинган хамирдан тангадай-тангадай бўлакчалар узиб олиниб, 2 мм қилиб ёйилади. Ёймадан 2 см келадиган тасмачалар кесилади, орасига урвоқ сепиб, бир неча қават қилиб тахлаб, тўртбурчак бўлакчалар кесилади. Тузи ростланган қайнаб турган сувга солиб, 10 мин. пиширилади, човли б-н сузиб олиниб, сувук сувда чайилади. Бошқа қозонда М. қайласи тайёрланади. Бунинг учун майда тўғралган гўшт, пиёз доғланган ёғда қовурилади, сўнг сомонча шаклида тўғралган турп, сабзи ва туз солинади. Масаллиқлар бир оз қовурилгач, керагича сув қўйиб, қайла меъёрига етгунча пиширилади. Дастурхонга тортишда косаларга хамир, устидан қайла солинади. Ҳар коса М. учун бир дона тухум қўймоқ пиширилади. М. устига эса майдалаб тўғралган тухум-қўймоқ ва кертилган ошкўклар солинади” [Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 181].

Ўзбек тилида манпар сўзи *манпар кесиши*, *манпар узиши*, *манпар пишириши*, *манпар тайёрлаши*, *манпар ейши*, *манпар тайёрлаши* учун лозим бўлган

масаллиқлар, манпар учун тухум қўймоқ пиширмоқ каби сўз бирималарини хосил қилган.

Халқимиз тафаккурида манпар номи асосан, тўй ва бошқа маросимларда тайёрланадиган таом тури сифатида гавдаланади. Шунингдек, *қандай манпар пиширяпсиз* саволи уй шароитида тайёрланган манпар ёки дўкондан сотиб олинган манпар эканини аниқлаш учун берилганини жавоб берувчи томон ортиқча изоҳларсиз, қийналмай тушунади. Бу эса тилимизда манпар дейилганда бирйўла унинг турлари билан бирга тушуниш ҳодисасини мавжудлигини билдиради.

Лағмон (хит. 拉面 lamian “чўзиқ хамир”). Хамирни чўзиб ёки узун ингизка кесиб тайёрланалдиган, юзига қайла солиб ейиладиган овқат. Лағмоннинг уйғурча *лағмон*, кесма *лағмон*, чўзма *лағмон*, қовурма *лағмон*, шиман, шивит оши ва б. турлари бор.

Лағмон сўзи билан боғлиқ тилимизда *қулогига лағмон илмоқ* (осмоқ) – алдамоқ ибораси ҳамда *лағмонхўрлик*, *лағмон кесиши*, *лағмон чўзиши*, *лағмон пишириши*, *лағмон тайёрлаши*, *лағмон учун маҳсус зираворлар* каби сўз биримлари ҳосил бўлган.

Айниқса, кейинги йилларда миллий таомлар бренди остида иш олиб бораётган емакхоналар фаолияти кенг оммалашди. Шу маънода, биз таҳлил қилаётган таомларнинг хиллари ҳам кўпайиб бормоқда.

Шунингдек, тилимизда мазкур таомлар номи билан бирга ассоциация қилинадиган қўшимча егуликлар ҳам бор. Хўранда манти номини эшитганида ёки шу таомни тановул қилиши арафасида қатиқни беихтиёр хаёлига келтиради. Лағмон дейилганда эса унинг маҳсус қайласи, унинг таркибиға қўшиладиган кўкатларни (айниқса, сельдерейни) алоҳида эслайди. Бизнингча, бу ҳодисаларнинг барчаси тилга хос алоҳида жараёнлардир. Кўринадики, хитойчадан ўзлашган мазкур таом номлари тилда ўзига хос семантик жараёнларни яратишга хизмат қилган. Таъкидлаш лозимки, манти, манпар ва лағмон ўзлашмаларининг барчаси ўзбек тилида маъно кенгайиши

ходисасини юзага келтирган. Биз кейинги ишларимизда мазкур жараёнларни когнитив ва лингвопоэтик ҳодисалар сифатида тадқиқ этиш ниятидамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. Тошкент: «Ўзбекистон», 1994. 120 б.
2. Бердиалиев А. Ўзбек синхрон социолингвистикаси. – Тошкент, 2019. – 129 б.
3. Комилова М. Ўзбек тилшунослигига ўзлашма лексемаларнинг ўрганилиши тарихи // ФарДУ. Илмий хабарлар, 2022 №6. – Б. 372-376.
4. Комилова М. Чой сўзининг тарихи хусусида // Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. НамДУ, 2023. – Б. 249-253.
5. Левитская Л.С. “Этимологический словарь тюркских языков”. Москва: «Наука», 7 том 474 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II, IV томлар. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. 493-б.
7. Ходжаев А., Каримова Н. ва бошқ. Ўзбекистон – Хитой муносабатлари тарихидан. – Тошкент: “Фан зиёси”, 2022. – 216 б.
8. Қодирий А., Рўмонлар. Мехробдан чаён. – Тошкент: “Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1994. – Б. 380-642.